



САМАРҚАНД – ТУРЛИ ФОЯ ВА



Хитой ишенчли ҳамкоримиз

Ўзбекистоннинг давлат мустақиллигини Хитой Ҳалқ Республикаси биринчилардан бўлиб эътироф этиб, дипломатик муносабатлар ўрнатган мамлакат хисобланади. Қолаверса, ҳалқларимиз ўртасидаги муносабатлар тарихи минг йилликларга бориб тақалади. Жумладан, қадимги "Буюк ипак ўйли" асрлар давомида минтақа ҳамқарининг ўзаро савдо-иктисодий ва маданий алоқаларида мухим роль ўйнагани барчамизга маълум.

Давлат раҳбарларининг сайдо-харалтлари туфайли икки мамлакат ўртасидаги муносабатлар иззил мустахкамланиб бормоқда. Ўзбекистон – Хитой ҳамкоригини ривожлантириш доирасида турли соҳаларда кўплаб йирик айланалар амалга оширилти.

Хусусан, Самарқанд вилоятiga ҳамда 71 та қўшма ҳамда 28 та хорижий корхона фаолият кўрсатмоқда.

Жумладан, масъулияти чекланган жамият шаклидаги "Хито besh bargmoq qurilish materiallari" Булунгур туманида курилиш материаллари ишлаб чиқариш, "Sam eco root" қўшма корхонаси Паст Дарғом туманида қўзимлия экстрактини маблағларни ўзлашибилан мөнгүлланмоқда.

Бундан ташқари, фабкат 2021 йилнинг ўзида 83 та инвестиция лойиҳасини амалга ошириши доирасиде Хитоидан 69,5 миллион долларлик хорижий инвестиция маблағларни ўзлашибилган. Натижада, 7,2 миллион доллар маблағ евазига Самарқанд шаҳрида "Сахари" МЧЖ томонидан машҳири техника, 15 миллион доллар инвестиция хисобига "Азия Метал Проф" корхонасида темир маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга кўйилган.

Жорий йил давлат инвестиция дастурига мувоғиф вилоядатда хитойлик ҳамкорлар билан 21 та янги инвестиция лойиҳаси амалга оширилмоқда. Бу борада ўтган 8 ой давомида 76,3 миллион доллар маблағ ўзлашибилган.

Ёқубжон МАРҚАЕВ.

SAMMIT SAYYORAMIZ TINCHLIGI VA XAVFSIZLIGI, DUNYO
MAMLAQATLARI TARAQQIYOTI VA FAROVONLIGIGA XIZMAT QILADI

Дунё ҳалқлари манфаатларига хизмат қилади

Биз Шанҳай ҳамкорлик ташкилотининг навбатдаги саммитига мезбонолик қилишдай мухим жараён арафасидамиз. Шу пайтгача ҳам Ўзбекистон ШХТга раислик қилган. Аммо бу галги раислик сўнгги олти йил ичидаги мамлакатимизнинг фаол ва очиқ ташқи сийёсатининг маҳсулни сифатида мухим ташабbus ва фоялари амалга оширилгани, ташкилот доирасидаги барча тузилмалар фаол иш олиб боргани ва 80 дан ортиқ тадбирлар ташкил этилгани билан аҳамиятли бўлди.

Яна бир эътиборли томони ташкилот давлат раҳбарлари кенгаши сўнгги уч йил ичидаги биринчи марта юзма-юз форматда бўлиб ўтаётганидир. Учрашув жойи сифатида Самарқанднинг танланниши эса бу қадимий шаҳарнинг тарихий аҳамияти билан боғлиқ. Бинонебарин, Самарқанд Буюк ипак ўйли чорраҳасида жойлашган 2750 йиллик тарихга эга шаҳар бўлиб, азалдан цивилизация маркази, Гарб ва Шарқни боловғон кўпидри. Кейинги йилларда Самарқанд бир қатор йирик форумларга мезбонолик килид, ҳалқаро дипломатияда "Самарқанд руҳи" деган тушунча пайдо бўлди. Ишонанизки, ШХТнинг бу галги саммити ана шу тушунчанинг бежиз пайдо бўлмагани ва унинг аҳамиятни яна бир бор бутун дунёга намоён этиди.

Саммитда 15 давлат ва ҳукумат раҳбари, ўнга яқин ҳалқаро ташкилот вакиллари иштирок этиши кутмомда. Унда ташкилот тарихида илк бор 30 га яқин ҳужжат кўриб чиқилиди ва мухокама этилади. Мазкур ҳужжатлар ташкилотнинг минтақа ва дунёник ёсигидаги ўрни ва ролини ошириша хизмат қилиди. ШХТга аъзо, кузатувчи ва ҳамкор давлатлар, ҳалқаро ташкилотлар билан кўп томони-



лама ҳамкорлик алоқаларининг узқи истиқболини белгилаб беради.

Мазкур нуфузли саммит олдидан матбуотуда Ўзбекистон Республикаси Президентининг ШХТ ҳамда ушбу ташкилотда Ўзбекистоннинг роли бўйича фикрлари баён этилган мақола ёлан қилинди. Маколада бугунги мурракаб ҳалқаро жаёналлар, иқлим ўзгариши ва бошқа қатор муаммолар воказелигидаги мамлакатларнинг кўп кирралар муносабатлари аҳамияти хусусида сўз борган. Ушбу вазиятда давлатларнинг биргаликда ҳаракат килиши нечоғлиг мухим аҳамият касб этиши, айни пайтда бирор бир давлат муаммоларига якка ҳолда ечим томпласлиги хусусида фикрлар билдирилган. Ҳалқаро муносабатларда ҳар бир давлат манбаатларини ҳисобга олиш ва хурмат қилишга асосланган конструктив мулоқот ва кўп томонлама ҳамкорлик зарурлиги таъкидланган. Бу нафакат бир давлат ва минтақа, балки инсониятнинг ҳавфисиз ва барқарор ривожланишига хизмат қиласиган кўп томонла-

ма институтлар доирасидаги амалга оширилиши мумкин. ШХТ ана шундук ҳамкорликнинг ёрқин ифодаси сифатида қайд этилган мақолада. Бугун мазкур ташкилот дунёдаги энг йирик минтақавий ташкилотлардан бири бўлиб, у Евросиёнинг 60 физиони ва сайёрамиз аҳолисининг қарий ярмини камраб олади.

ШХТнинг ўзига хос жозабадорлиги – бу очиклик, тенглик ва ўзаро ҳурмат, учинчи давлатлар ёки ҳалқаро ташкилотларга қарши йўналтирилмаслик, ички ишларга аралашишдан бош тоғриш, сийёсий қарама-каршиликнинг оддини олишга асосланган тамоилилларга егалигидир.

ШХТнинг Самарқанд саммити ана шу қарашларни ифода этиб, сайёрамиз тинчлиги ва хавфзилиги, дунё мунислатлари тараққиети ва фаровонлигига хизмат қиласиган.

**Шаҳодат ҲОШИМОВА,
Ҳалқаро муносабатлар ахборот-таҳлил
маркази бош илмий ходими.
ЎЗА.**

Алоқаларимиз тарихий

Сўнгги икки йил ичидаги Ўзбекистон ва Эрон Ислом Республикаси ўртасидаги муносабатлар барча соҳалар ва турли ўйналишларда ривожланиши бормоқда.

Яқин кунларда Самарқандда "Ўзбекистон-Эрон дўстлик жамияти"нинг иши фаоллаштирилган бунга яна бир мисол бўлди. Қолаверса, жорий йил охирига Тошкент, Бухоро ва Хива шаҳарлари қатори кўхна кентда ҳам Эрон Ислом Республикаси маданият ҳафтагалиги тантанали ва ўзига хос бир тарзда ўтқазилиши мўлжалланмоқда.

Ўз навбатида, савдо-иктисодий муносабатларда ҳам ижобий яқин ҳамкорлик алоқалари кузатилган. Мисол учун, бугунги кунда вилоятимизда Эрон Ислом Республикаси компанияларининг капитали иштирокида 38 та, шундан 23 та қўшма ва 15 та хорижий корхона фаолият юритиб келмоқда.

Жумладан, Самарқанд туманида "ZARAFSHON NASLLI PARRANDA INVEST" МЧЖ паррандачилик йўналишида, Ургут туманида "BAXT POLIMER" МЧЖ пластмасса маҳсулотлари ишлаб чиқариши билан шуғулланмоқда.

- Ўтган йилнинг охирида Эрон давлатининг "Парс" корхонаси билан ҳамкорликда товуқ єтишириш ва парваришиланши йўлга кўйдик, - дейди "ZARAFSHON NASLLI PARRANDA INVEST" МЧЖ раҳбари Суҳроб Фаттоев.

- Мавжуд 6 та цехда 50 мингта товуқдан ойига 1 миллиондан зиёд жўёжа қицардик. Қишлоқ ҳўжалиги соҳасига оид технологиялар тайёрловчи эронлик ҳамкорларимиз билан келишиб бўйича яна янги технологияларни кельтириб ўрнатяшимиз. Негаки, энди маҳалий бозор билан чекланиб қолмасдан, экспорт операцияларини ҳам амалга оширишни ният қилганимиз.

Вилоят ҳокимлигидан олинган маълумотга кўра, жорий йилнинг 8 ойи мобайнida



Эрон давлатидан 1,23 миллион доллар хорижий инвестиция маблағлари ўзлашибилган. Биргина ушбу рақамнинг ўзи томонлар ўртасидаги ташқи иктиносидаги алоқалар кун сайнин ривожланиниб бораётганини кўрсатиб турибди.

Хусусан, вилоятимиз ҳамда Эрон давлати ўртасида товар айланмаси 2020 йилда 19,3 миллион долларларни ташкил этган.

- Мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иктисодий алоқалар кун сайнин ривожланиниб бормоқда, - дейди вилоят божхона бошкармаси бўлим бошлиги Ҳамид Камолов. - Кўрилган сайдо-харалтлар натижасида 2022 йилнинг январь-август йилларинида Эрон давлати билан товар айланмаси салқам 33,4 миллион долларларни ташкил этиб, шундан 23,3 миллион доллар импорт ҳамда 10,3 миллион доллар экспорт амалга оширилди. Эрон давлатига экспорт асосан мева-сабзавот, тўқимачилик ва бошқа турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқарилиб келмоқда.

Пластмасса ва ундан тайёрланган буомлар, плёнка, метал, тош, гипс ва цементдан ясалган курилиш материаллари, технологик асбоб-ускуналар ва албатта, мева-сабзавот маҳсулотлари импорт товарларнинг ососий қисмими ташкил килмоқда.

Бирор таҳлилчиларга кўра, мавжуд ҳажм икки ҳалқ ўртасидаги қардшошлик ташкиллари ва иктиносидаги потенциалга мос эмас. Шу боис икки мамлакатнинг йиллик савдо айрибошлаш ҳажмини янада ошириш чоралари кўрилиб.

Эрон Ислом Республикаси Президентининг юртимида расмий ташриф буювиши ва Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтадиган Шанҳай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарлари саммитида қатнашиши ҳам бу борада мухим аҳамият касб этиши, шубҳасиз.

Ё.ГАДОЕВ.



ХАЛҚАРО ТУРИЗМ МАРКАЗИ – ЯНГИ ДАРВОЗА



БИЛИМЛАР “ҚАЙНАГАН” МАКОН

ШХТинг навбатдаги саммити Самарқандда ўтказиши муносабати билан шаҳарнинг инфратузилмаси тўлиқ янгиланиши, янги йўл ва кўприклар, хиёбонлар барпо этилиши баробарида кўхна кентнинг қадимиий осори-атиқалари ҳам таъмирланди.

Обидалар таъмирланди

Хусусан, Регистон ансамбли, Шоҳизинда ва Бибиконим мажмуалари, Амир Темур мақбараси, Улуғбек расадхонаси, Оқсанарой, Хўжа Дониёр мақбараси, Рұхобод мажмусаси, Ашратхона мақбараси, “Чорсу” савдо гумбази ва “Кўшховуз” масжидида Маданий мерос агентлиги хузуридаги илмий-экс-

перт кенгаши томонидан тасдиқланган лойиҳа асосида таъмирлаш ишлари бажарилди. Реставрация ҳамда таъмирлаш ишларига маълакали уста-реставратор, хаттот, олим, мухандислар ва бошقا соҳа мутахассислари жалб этилди.

Уста-реставраторлар томонидан мақбараларнинг гумбаз кошинлари қайта таъмирланди, кириш пештоқ мүқарнаслари, ёдгорлик деворлардаги кошинлар мустаҳкамланди. Шунингдек, Регистон майдонининг жануби-шарқ томонида, эски шаҳар чеккасида жойлашган, темурйарул суполаси ёллалири ва болалари учун оиласи дахмага айланган Ашратхона мақбараси ҳам жорий таъмирланди. Иншоот эшикларини ўз ҳолича саклаш ҳамда йўқотилганинан аналог асосида қайта тикалаш масжидида обьектда консервация ишлари олиб борилди. Рұхобод мақбрасида ёдгорлик деворларидаги таъмирлаш ишлари

масжид минораси жорий таъмирдан чиқди. Регистон мажмусасида безак кошинларнинг кўчган қисмлари қайta жойига ўрнатилди, таъмирга муҳтоj том қисмлари мустаҳкамланди. Хўжа Дониёр мақбараси, Улуғбек расадхонаси, “Кўшховуз” масжиди ҳамда Оқсанарой мақбарасида ободлонлаштириш ишлари олиб борилди.

“Чорсу” савдо гумбазининг галереси ички қисми таъмирланди. Ҳозирда бу ерда ўзбек рассомлари ва ҳайкалтарошлири тасвири санъат галереси жойлашган. Шоҳизинда ёдгорлик мажмусасида пойдөвр ва гумбазлар мустаҳкамланди, айrim ички мөмниорий беzaлклар таъмирланни, кўркam киёфага келтирилди.

Муҳими, ушбу қадимиий обидалар тарихик асосда тикланди ва аждодлар мероси асл ҳолича сакланди.

Жонибек БОБОБЕКОВ,
вилоят маданий мерос бошқармаси мутахассиси.

Равон йўллардан обод манзилларга

Самарқанд шаҳрида ўтаётган ШХТ саммити муносабати билан вилоятимизда автомобиль йўлларидан фойдаланиш ва йўл инфратузилмаси ни яхшилаш мақсадида 110 километр йўлда асфальт ётқизиш ишлари амалга оширилди.

- Бунинг учун 327,4 минг тонна асфальт қоришишаси ишлаб чиқарилиб, жаҳон стандартлари асосида устки катлам ётқизиш ишлари бажарилди, - дейди виляят автомобиль йўлларидан фойдаланиш бошқармаси бўлим бошлиғи Фоифир Корабеев. - Шунингдек, саммит ўтказилишага олиб борувчи йўлларга 184 минг тонна асфальт қопламаси ётқизилди. Мазкур йўллар бўйлаб 178,3

километр пиёдалар ва велосипед йўллари курildi, 4303 дона тунги ёртиши чироқлари ўрнатилди.

Махаллий бюджет маблағлари ҳисобидан шаҳарнинг 31 километр ички кўчаларида ҳам таъмирлаш ишлари бажарилди.

Йўл ёқаларини кўқаламзорлаштириш мақсадида 113 мингдан ортиг манзарали дараҳтлар ва бута кўчалари экилди.

Дилмурод ТЎХТАЕВ.



Бир кўчада ҳам йўл ўтказгич, ҳам кўприк

АЗИМ ва навқирон Самарқанд шаҳри муҳим сиёсий тадбирiga мезбонлик килиш учун тайёр. Ўтган даврда ҳудудда амалга оширилган тизимли бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишларида йўлларни таъмирлаш масаласига алоҳида ўтибор қартилиб, кўп қатновли кўчалардаги чорраҳларни тартибига солиш бўйича замонавий лойиҳалар ҳаётга татбик, этилди.

Бўstonсарой ва Рудакий кўчалари кесиши масасида курилган туннель шаклидаги замонавий йўл ўтказгич шулар жумласидан. Бугун ушбу кўчалар азим кентнинг равон ва кени йўллари рамзига айланди, десак адашмаган бўламиш.

2019 йилнинг сентябр ойидаги бошланган қурилиш ишлари натижасида бу ерда узунлиги қарийб 1 километрга teng бўлган замонавий йўл ўтказгич қад ростлади. Иншоот туннель қисмийнинг узунлиги 120 метр, баландлиги 5,8 метр ва кенглиги 27 метрни ташкил этади. Маълумотга кўра, мазкур йўл ўтказгич бир кунда 1500 тага яқин автомобилини ўтказиш имконияти-



га эга. Шунингдек, унинг Бўstonсарой кўчасидаги ҳар иккى томонида ер ости пиёдалар йўлаги курилган.

Ҳудуддаги бунёдкорлик ишлари шу билан тугагани йўқ, албатта. Самарқанд шаҳрига киришдаги асосий кўчалардан бири ҳисобланган Бўstonсарой ҳамномига мос кўринишга келтирилди. Илгари мазкур кўчанинг Сиёб канали устидан ўтубчи қисми пастилақда жойлашган эди. Қисқа вактда у тўлиқ реконструкция килиниш, пастиқ кўчанинг ўрнида галерея шаклидаги кўприк бўнёд этилди.

- Кучли ёғингарчиллик вақтларida кўчанинг бу қисмини сув босиб, транспорт воситалари ва пиёдаларнинг хара-

катланишига ҳалақит берар эди, - дейди “Кўприккурилиш” унитидан корхонаси мутахассиси А.Бекмирзаев. - Олти ойга яқин давом этган реконструкция ишлари натижасида кўприк аввалги ҳолатидан 9,20 метрга кўтирилди, остига эса сув ўтказувчанилиги олдингисидан беш барбор кўп бўлган 192 метрлик қувур ётқизилди. Янги кўприкнинг умумий узунлиги 370 метрга тенг. Унда иккى йўнилишда ҳам учтадан қатнови қатори, пиёдалар йўлакчалари мавжуд. Шунингдек, кўприкнинг ҳар иккى томонига шовқинни ушлаб қолувчи маҳсус декоратив панеллар ўрнатилган.

Асқар БАРОТОВ.

САММИТ ТУФАЙЛИ...

Самарқанд шаҳри гулларга бурканди. Бу азим кентни гуллар шаҳрига айлантириб, туристик жозибадорлигини янада ошириш мумкинligининг амалий исботи бўлди.

Ёзниг чилласида ҳам дараҳт экиш мумкинлигини кўрдик. Шаҳарнинг асосий кўчалари, уларга туаш яшил майдонларда минглаб ноёб дараҳт ва буталар экилди. Қаровсиз ерларда дам олиш масканлари курилди.

Бузилганидан қурилганлари кўп бўлди. Саммит арафасида шаҳар худуди қурилиш майдонига айланди. Эски, пастқам уйлар ўрнида янги, замонавийлари қад ростлади. Эшкак эшиш канали атрофидаги қурилган “Буюк ипак йўли” халқаро туризм маркази эса бунёдкорлик салоҳиятимизнинг ёрқин ифодаси бўлди.

Самарқандда “пана кўча” қолмади


Тўғриси, осмондаги ой ерга тушади, деган хабар тарқалса ишондикки, аммо бу кўчадаги аҳвол сал бўлса-да, яхшиланишига умидимиз йўқ эди. Самарқанддаги бу кўчада ҳали бери ўзгариш бўлишига ишонмай кўйгандик.

Нафақат мустақиллик йиллари, балки сабиқ иттифок тузуми даврида ҳам бу кўча “черная дорога”, яъни “пана кўча” деган ном олиб, одамларда, айниқса, кечаси бу йўлдан ўтишига умуман истак бўлмади. Кўчанинг қоронги, ўнқир-чўнқирлигига майли, аммо тез фурслатлар ичада кавланниб, йўлнинг ётлиқи колиши, ҳайдовчилару ўша томонда яшовчиларнинг манзилига боргунча кийналишлари ҳали ҳамон кўчлиликнинг ёдида бўлса керак.

Пана кўча, деб номланиши ҳам шундан қолган. Доимий қазишина ишлари, сув қуврлари ёрлиши-ю ва бошқа кўплаб муаммолар Рудакий кўчанинг асосий “юзи”га айланниб қолган, аҳоли ҳам шунга кўйинкан, бу ҳақда гапиришдан фойда йўқ, дея кўл сиптарди. Ваҳоланки, бу муҳим аҳамиятли, айниқса, шаҳарга преезд келувчи сайдехлар учун жуда кўлач бўлиши керак эди.

Бугун биз аллақаочон бу кўчанинг ҳатто яқин кунларга қадар “пана кўча” эканини унтутидик.

Кейинги иккى йилда Рудакий кўчаси улуғ алло-



ма номига мос, пиёда юрсанг кўнгил яйрайдиган маскана айланди.


Автомобиль йўлининг равонлиги, пиёдалар йўлаклари, унинг атрофидаги турли ҳил дараҳт ва

ранг-баранг гуллар барқ уриб тургани кишига завқ беради. Кўчада нафақат йирик фонулар, балки пиёдалар учун ҳам кинчироқ шаклдаги ёритиқчилар ўрнатилган куннинг кечки пайтида йўловчиликнинг сайр қилишларига имкон берди. Айниқса, кўча бошида номига мос Рудакий ҳайкалтининг ўрнатилиши ва ўша худуднинг батартиб, гўзал маскана айланниши ўзига хос янтилидик.

Худуд шундай, Самарқанддаги яна кўплаб одамларнинг ўтироzlарига сабаб бўладиган Фирдавсий кўчасидаги ҳам шу каби ўзгаришларни кузатиш мумкин. Ушбу кўча ҳам неча ўн йиллардан дун бўён автомобилда қатнаш нокулай, пиёда юриш азобга айланган кўчалардан бири эди. Бу кўча атрофидаги ҳам комусий олим Фирдавсийнинг ҳайкални ўрнатилиб, гўзал хиёбон яратиди.


Бу йил Самарқанддаги асосий кўчаларнинг қарийб барчаси таъмирланни, кўркam киёфага кириди. Пиёда ҳам, йўловчи ҳам атрофдан баҳра олиб, манзилига етиб олиши бир қараганда ҳаётимиз фаронсонлигининг кўриниши.

Гулрӯҳ МУМИНОВА.



Йўл бўйидаги санъат дурдоналари





Самарқанд машварати

Бир неча кундирки, барчамиз ўзгача ҳаяжон оғушида яшаемиз.

Унинг ҳар бир лаҳзаси бизни Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Самарқанд саммитига яқинлаштирияпти.

Дунёнинг маданий-цивилизацион қарашлари турлича, ўз ташки сиёсий йўналишлари ва милий тараққиёт моделларига эга бўлган 14 мамлакат етакчиларининг Самарқандда тўпланишига баҳо бериш учун, рости, ақлемиз бироз шошиб қолди десам, муболага эмас.

Шу аснода Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевининг "Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Самарқанд саммити: ўзаро боғлиқлиқдаги дунёда мулоқот ва ҳамкорлик" сарлавҳали мақласини ўқидим ва фикрларим тинклишиб, дунёни, атрофимизда рўй берагетган воқеаларни янгича идрок эта бошлаганим сездим.


Мақолада биз учун мутлақо янги тушунчалар, хусусан, бир тарихий давр ниҳоясига етиб, унинг ўрнида ҳали баҳорат килиши мушукл бўлган янги давр бошлангани хақида сўз юритилган.

Дунёдаги глобал муммалар ва уларнинг ечимлари кўрсатиб берилган ҳамда ана шу жарабёнларда улкан географик мақонни қамрап олган, Ер юзи ахолисининг қарийб ярмини бирлаштирган, жаҳондаги энг ийрик миңтақавий тузилма – Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг ўрни ва роли, мақсад ва вазифалари ҳаммага тушунчалари тарзда беён этилган. Бинобарин, ҳозирги шароитда хеч бир давлат, у катта ёки кичин бўлсин, якка-ю ёғиз муммалор гидробдан чиқа олмаслиги аён. Бу эса ҳалқаро ташкилотнинг мақоми ва нуфузини янада ошириомда. Жозаборлигини кучайтириб янги аъзоларни жалб этмоқда.

Мана шундай ноёб ва нуфузли ҳалқаро ташкилотга Ўзбекистоннинг раислик қилиши ва унинг навбатдаги саммити Илак йўленинг гавҳари бўлган Самарқанд шахрида ўтиши бизга чексиз фаҳр ва турбагишиади.

Бундай улкан машваратлар тинчлик-севар ҳалқимиз тарихий қадриятларига жуда мос бўлиб, унинг моҳиятини янада бойитиши, шубҳасиз. Саммит учун қадими Самарқанд шахрининг танланishiда ҳам чукур маъжозий маъно, қадими ва навқирон шаҳарга нисбатан хурмат-этиром мухассам, десак асло хато эмас. Бу ерда тарих ва келажак ришталари ўзаро боғланади. Самарқанд дунёнинг сайқалига айланади. Энди унинг ёнига "Самарқанд руҳи" ҳам кўшилади.

Норбобо ШАКАРОВ,
Ўзбекистон Журналистлар
уюшмаси аъзоси.



Маҳаллаларда тиббий пунктлар ишлайди

14 сентябрдан 17 сентябрга қадар Самарқанд шаҳрининг айrim кўчаларида транспорт воситаларининг ҳаракати чеклансан-да, тез тиббий ёрдам ҳар доимги тартибда фаолият олиб боради.

Шаҳар ахолисига хизмат кўрсатиш учун 50 га яқин тез тиббий ёрдам машинаси ва шунча тиббий бригада жалб этилган бўлиб, улар чакириклар бўйича одатдагидек фаолият олиб боради. Амбулатор ёрдам кўрсатиш учун Самарқанд шаҳар тиббиёт бирлашмасига қарашли барча оиласиб поликлиникалар соат 8:00 дан 20:00 гача фаолият олиб боради.

Шунингдек, ахолига тиббий хизматни яқинлаштириш мақсадида ҳар бир маҳалла фуқаролар

йигинида оиласиб шифокорлар ва 2 нафар ҳамширадан иборат тиббий пунктлар ташкил килинган. Улар биринчи ёрдам учун зарур дори-дармон воситалари билан таъминланган бўлиб, бу орқали енгил даражадаги беморларга маҳалланинг ўзида амбулатор ёрдам кўрсатилиди.

Шошилинч ҳолатларда "103" хизматига мурожаат килинади.

Алоҳида таъкидлар жоизки, консерватив даволаниша мухтоҳ беморларга туман шифохоналарида ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш учун вилоят шифохоналарида фаолият кўрсатувчи малакали мутахассислар жалб этилади.

Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг навбатдаги саммити доирасида мамлакатинига ташриф буорадиган чet эллик расмий делегациялар вакиллари ва меҳмонларга зарур ҳолатларда сифатли тез тиббий ёрдам кўрсатиш учун Соғлини сақлаш

вазирилиги томонидан Самарқанд шаҳрида туну кун фаолият кўрсатувчи "1303" киска раками Call-марказ фаолияти йўлга кўйилди.

Бу ерда мутахассислар томонидан инглиз, рус ва хитой тилларда муроҳаатлар қабул килинади. Шунингдек, зарурат туғилганда, таркибида деярли барча ихтисосликлар бўйича мутахассислар жамланган 50 та тиббий бригада ШХТ саммити делегациялари аъзоларига хизмат кўрсатиш учун шай хотатга кептирилган. Саммит иштирокчилари ва меҳмонлар жойлашадиган меҳмонхоналарнинг ҳар бирида тиббий мобиљ гурухлар ташкил этилди.

Эълонлар

ДАВОЛАР БЎЛСА...
Самарқанд шаҳридаги "XN SAMTURK GROUP" масульияти чекланган жамияти (СТИ: 308605205) ўз устав фондини камайтироқмода.

Шу муносабат билан унга билдириладиган барча давловар газетада эълон чоп этилгач, бир ой давомида қабул килинади.

Манзил: Самарқанд шаҳри Яхъе Ғуломов кўчаси, 73-үй.

Самарқанд туманида хусусий амалиёт билан шугупланувчи нотариус Ахтамов Эркинжон Толижонович нотариал идорасида мархум Саломова Махарамга (1986 йил 29 ноябрда вафот этган) тегиши мол-мұлұп учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Ахтамов Эркинжон Толижонович нотариал идорасига мурожаат этишларни сўраймиз.

Манзил: Самарқанд тумани Андижони мажалласи.

Пайарик туманида хусусий амалиёт билан шугуланувчи нотариус Мұхаммадиев Фарҳод Жўракулович нотариал идорасида мархум Эргашева Салияга (2020 йил 11 сентябрда вафот этган) тегиши мол-мұлұп учун мерос иши очилган. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Мұхаммадиев Фарҳод Жўракулович нотариал идорасига мурожаат этишларни сўраймиз.

Манзил: Пайарик тумани Челак шаҳараси, Истикъол кўчаси, 76-үй.


БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Булунгр туманидаги 25-умумий ўрта таълим мактабидан 2010 йилда Омонова Камола Эркин кизи номига берилган № 4308978 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганини сабабли бекор қилинади.

Самарқанд давлат тиббиёт институти қошидаги лицей-интернатидан 2004 йилда Низомиддинов Ботир Бахтиёрович номига берилган ОР-А № 1350511 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганини сабабли бекор қилинади.

Собиқ Челак тумани Челак шаҳрида кишик ва ёзи кино-театрлар ҳамда қишлоқ кино-видеокуримлари мұлқи учун Челак тумани "Киновидеохизмат" очик турдаги акциядорлик жамиятияга давлат мұлқи қўмитаси Самарқанд вилояти бўйича ҳудудий бошқармаси ингизинг 1996 йил 12 сентябрдаги 910-сонли бўйргуга асосан 1996 йил 25 сентябр куни берилган 648-сонли мұлқи ҳуқуқини тасдиқловчи давлат ордерининг асч нусхаси йўқолганини сабабли хақиқий хисобланмайди.

Чўпонотада 75 мингдан ортиқ кўчат экилди



Президентимизнинг 2020 йил 6 октябрдаги "Ўзбекистон Республикасида ўрмон хўжалиги тизимини 2030 йилгacha ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарорида ўрмон фонди ерларидан унумли фойдаланиш мақсади белгиланган.


Талабдан келиб чиқиб, вилоят ўрмони хўжалиги бошқармаси тизимидағи давлат ўрмон хўжаликлири ҳудудидаги ўрмон фонди ерлариди жорий йилнинг 1 сентябринча 530 гектардан ортиқ майдонда ҳар хил турдаги (аччиқ бодом, даштарбоз, кизил дўлана, макка попуги, мойчечак, наыматак, ошковок, тирноқгул, тапинамбур, чаканди, чилонжиди, ширинмия, шафран, сассик кавар, ва башка) доривор ўсимлик ва озиқ-овқат маҳсулотлари плантациялари барпо этилди. Ушбу плантациялардан ўйил 622 тоннадан ортиқ хосил олиш режалаштирилган.

"Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси доирасида вилоятимизда 16 миллион

388 минг туп мевали ва манзарали дарахт кўчатлари экиш белгиланганди. Ҳар бир туман ва шаҳarda 84 гектар майдонда "Яшил боғлар" ташкил этилди.

Самарқандда тарихда илк бор Шанхай ҳамкорлик ташкилоти саммити ўтказилиши муносабати билан шаҳарининг Чўпонота массивида ўрмон хўжаликлири томонидан 150 гектарда 75 мингдан ортиқ ҳар хил турдаги манзарали ва ёнгоқмевали дарахт кўчатлари экилди. Экилган кўчатлар томчилиш йўли билан суроримоқда.

Акмал ЎРОЛБОЕВ,
вилоят ўрмон хўжалиги
бошқармаси
бошлиғи ўринбосари.



Аэропорт ҳам, хизматлар ҳам янги

Самарқанд ҳалқаро аэропорти лойиҳасининг дизайни ўтмиш ва ҳозирги замон үйғулигини намойиш этади.

Аэропорт терминалининг биноси буюк олим Мирзо Улуғбекнинг "Зижи Жадиди Кўрагоний" асарини ифодаловчи "очик китоб" шаклига эга. Унинг томиди юлдузлар туркуми тасвирланган. Бинонинг кенглиги 175, баландлиги эса 25 метри ташкил этилди.

Саёҳатчиларга кулайлик яратиш

мақсадида замонавий технологиялар жорий этилди: Йўлчилар ва юкларни рўйхатдан ўтказилишининг янги турни ҳамда кўнгандан сўнг куляй хизмат кўрсатиш тизими ишга туширилди.

Аэропорт соатига 800 нафар йўловчи ва ҳафтасига 120 тагача рейста хизмат кўрсатига киравтига эга.


Туризм марказида 5G мобил алоқа тармоғи ишга туширилди

Айни кунларда Самарқанд шаҳридаги "Буюк ипак йўли" туризм марказида бешинчи авлод мобил алоқа тармоғи – 5G шашоғида.

Мазкур тармоқ ишга тушган ҳудудларда юклаб олиш тезлиги 896 Мбит/с., тармоқ номи эса 5G Uzmobile.

Самарқанднинг бошқармаси мазкур тармоқ ишга тушиши кўзда тутилган.

Таъкида жоизки, 24-27 октябр кунлари бўлашадиган йилги АҚТ ҳафтаги айнан "Буюк ипак йўли" туризм марказида ўтказилиши режалаштирилган.



Бахтиёр МУСТАНОВ олган суратлар.

ТУНЛАРИ НУРАФШОН ШАҲАР

MUASSIS: Samarqand viloyati hokimligi

Bosh muharrir: Farmon TOSHEV

Gazeta O'zbekiston matbuot va axborot agentligining Samarqand viloyat boshqarmasida 2012-yil 30-martda 09-01 raqam bilan ro'yxatga olingan. Nashr 100. Indeks 438. 16 373 nusxada chop etildi. Buyurtma 595. Hajmi 2 bosma taboq, bichimi A-2 Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

QABULXONA: (66) 233-91-51, **REKLAMA VA E'LONLAR:** (66) 233-91-56

BO'LIMLAR: (66) 233-91-57, 233-91-58, 233-91-59, 233-91-61

MANZILIMIZ: 140100, Samarqand shahri, Ulug' Tursunov ko'chasi, 80-uy, Matbuot uyi.

Gazeta «Zarafshon» tahririyatining kompyuter bo'limida sahifalandi.

«Noshir lux» MCHJ bosmaxonasida chop etildi.

Korxona manzili: Samarqand shahri, Spitamen ko'chasi, 270-uy.

Bosishga topshirish vaqtiga: